Адабиётлар

1. Мулла Али Ал-Қорий. Шарҳу фиқҳил акбар. – Байрут: “Дарун нафаис”, 2009.
2. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний. Талхису шарҳи Ақидатит Таҳовийя. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1409.
3. Аллома Абул Ҳасан Али ан – Надавий. Ал-Ақийда ал-Исломия ас -Сунния. – Байрут: “Дарут турос”, 2008.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2008.
5. Нуруддин Собуний. Китабул бидоя фи усулиддин. – Миср: Дорул маориф, 1929.
6. Мулла Али Ал-Қорий. Зовул маъалий. – Байрут: Дорул Байрутий, 2006.
7. Умар ибн Муҳаммад Насафий. Ақоид. – Карачи: Мактабатул Мадина, 2009.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оламнинг Яратувчиси борлиги ва Унинг ягоналиги тўғрисидаги Ислом уламолари томонидан келтирилган далиллар баён қилинади. Бошқа таълимот вакилларининг ҳам қарашлари келтирилади. Ушбу қарашларга ислом уламолари томонидан билдирилган раддиялар ёритилади. Яратувчи ҳеч қандай маконда эмас деган ғоя қувватланади. Маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся доказательства исламских учёных о существовании и единстве Создателя вселенной. Приводятся такие и другие точки зрения по данному вопросу. Эти взгляды опровергаются исламскими учеными. Мысль о том, что Творец не существует ни в каком пространстве, подкреплена, данными из надёжных источников.

SUMMARY

The article provides evidence from Islamic scholars on the existence and oneness of the Creator of the universe. Other poits of view on the given isues are also presented. These views are refuted by Islamic scholars. The idea that the Creator doesn’ texist in any space is reinforced and these data are obtained from reliable sources.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲАН УРУШИ МАНФААТЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛИШИ

К.Т.Тошов – *ўқитувчи*

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: саноат, халқ хўжалиги, сафарбар қилиш, мутахассис, оташин чақириқлар, ишчи-ходимлар, захиралар, фабрика хўжалиги, ишлаб чиқариш.

Ключевые слова: промышленность, народное хозяйство, мобилизация, специалист, призыв, персонал, ресурсы, фабричное хозяйство, производство.

Keywords: industry, national economy, mobilization, specialist, appeal, personnel, resources, factory economy, production.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг даҳшатли ва қирғинбарот урушлардан бири бўлди. Бу урушда бутун инсоният ўзининг барча куч ва имкониятларини фашизм устидан қозониш учун ғалабага қаратди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада барча халқлар сингари Ўзбекистон халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уруш алангаси бошланган илк кунларданоқ барча соҳаларда бўлгани каби Сурхон воҳаси саноатчиларининг ҳам зиммасига ватан олдидаги бурчидан келиб чиққан ҳолда оғир маъсулият юкланди. Сабаби уруш арафасида вилоятда бор-йўғи бир қанча кичик-кичик саноат корхоналари, саноат артеллари, пахта тозалаш заводлари кабилар мавжуд эди. Ушбу саноат корхоналари вилоят аҳолисини кундалик талаб эҳтиёжлари учун зарур бўлган совун, туз ва бошқа шунга ўхшаш хўжалик маҳсулотлари билан таъминлар эди.

Бошланиб кетган уруш вилоят саноатчиларининг ҳам қалбларини ларзага солди, турмушини остун-устун қилиб юборди. “Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди”, дея таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев [1].

Урушнинг совуқ хабари тарқалган кундан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида жумладан, Сурхон воҳасидаги саноат корхоналарида янги меҳнат ютуқларига чорловчи намойишлар бўлиб ўта бошлади. Ана шундай намойишлар “Ворошилов” нефть трести, Термиз шаҳридаги гўшт корхонаси, Термиз пахта тозалаш заводи ва бошқа саноат корхоналарида бўлиб ўтди. Жумладан, Термиз шаҳридаги “Прогресс” артели ишчилари томонидан уюштирилган намойишда артель ишчиси В. Моисеенко сўзга чиқиб, “Фашизмнинг юртимизга ҳужумини ниҳоятда қоралайман, керак бўлса озодлик йўлида бир томчи қоним қолгунча курашаман, ҳамкасбларимни эса манфур душман ҳужумига қарши мардонавор меҳнат билан жавоб беришга ва ишлаб чиқаришда янада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга чақираман”, деган эди [6:20].

Бошланган уруш алангаси ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари саноатни ҳам изга солишни талаб қиларди. Шу сабабли 1941 йил 26 июнда Сурхондарё вилояти партия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда “Саноат ва транспорт ишларини уруш даврига мослаб қайта қуриш тўғрисида”ги масала қатъий белгиланди, саноатни тўлиқ ҳарбий изга солиш, уруш манфаатларига бўйсундириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш каби вазифалар белгилаб олинди.

Бу уруш Сурхондарё вилояти саноатчиларининг олдига ҳам бир қанча муаммоларни кўндаланг қилиб қўйган эди. Бу муаммолар, аввало мутахассис кадрларларнинг етишмаслиги, оғир ишлаш усулларига ўтишдаги объектив ва субъектив қийинчиликларда намоён бўлди. Лекин шундай бўлса-да, вилоят саноат аҳли уруш даври талабларини инобатга олиб станоклар олдида 16-18 соатлаб меҳнат қилдилар ва ишлаб чиқариш жараёнини сусайтирмадилар.

Лекин ишчиларнинг фронтга кетиши саноат корхоналарида кўплаб қийинчиликлар туғдирди. Айниқса шу соҳани тушунадиган мутахассислар етишмасди. Масалан, 1941 йилда вилоят саноат корхоналарида 3766 нафар киши ишлаган бўлса, 1942 йилга келиб эса ишчиларнинг сони 3316 кишига тушиб қолди. Шу муносабат билан саноат корхоналарида “Урушга кетган сафдошларимизнинг ўрнига ҳам ишлаймиз”, деган чақириқлар авж олди [5:19-20].

Кўплаб аёллар ва болалар саноат корхоналарида ишлаш истагини билдириб, саноат корхоналарига ишга жойлаша бошлади. Ишга янгидан келганлар малакасини ошириш ва янги ишчи мутахассислар тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Жумладан, илгари рўзғор иши билан банд бўлган 595 хотин-қизлар уруш бошланганлиги муносабати билан вилоятнинг турли саноат корхоналарига ишга жалб этилди ёки ана шу аёллардан 322 нафари цех, смена ва бригада раҳбарлиги лавозимларида фаолият юрита бошладилар [4].

Уруш бошлангунча уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган термизлик Майорова уруш бошланиши билан Термиз пахта тозалаш заводига ишга кириб, бирданига икки ихтисосликни эгаллади ва кунлик режани 160-200 фоизга бажариб, собиқ СССР нинг “Шавкатли меҳнати учун” медалини олишга мушарраф бўлишди.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва вилоят марказида ёки саноат корхоналари қошида муддатли курслар ташкил этилиб, улар янги ишчи мутахассислар тайёрлаш янгидан ишга келган ишчиларнинг техник малакаларини ошириш иши билан шуғулланарди. Вилоят саноатчилари ҳам барча соҳа ишчилари қаторида уруш талаблари асосида тинмай меҳнат қилдилар, ишлаб чиқаришда “стахановчилик” ва ихтирочилик таклифларининг сони ортиб борди.

Биргина Ворошилов нефть трестининг ўзида уруш бошланган даврдан 1942 йил охиригача бўлган вақт мобайнида олтмишдан ортиқ ихтирочилик таклифлари амалга оширилди [5:19].

Уруш бўлаётган ҳудудлардаги корхоналарни ва аҳолини эвакуация қилишда ҳамда фронтга моддий ёрдамларни етказиб бериш ишида Термиз темир йўл депоси ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Бундай фидойи инсонлардан С.Рубцов, А. Семенихин, Г.Вдовин каби темир йўлчилар самарали меҳнат қилдилар [5:20]. Бироқ бу пайтда маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан саноат ишчиларининг сони ниҳоятда кам эди. Бу эса ўз навбатида кўпгина қийинчиликларга сабаб бўлди, бу каби муаммоларни бартараф этишда барча саноат корхоналарининг ишчилари ватанпарварлик руҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Бу даврда барча саноат корхоналарида ишни жадаллаштириш мақсадида "иккиюзчилар", "учюзчилар" ва "тўртюзчилар" ҳаракатлари фаолияти ниҳоятда авж олди. Бу албатта ўз натижасини кўрсатди, сабаби "Ворошилов" нефть тресті ишчилари Ружин, Ҳусайнов ва Агановлар июнь ойи режасини 250 фоизга бажарган бўлса, июл ойида эса режани 280 фоизга уддаладилар. Нефтчиларнинг меҳнат зафарларидан илҳомланган Термиз шаҳридаги "Золотопроммат" артели ишчилари ҳам кундалик нормаларини 200-250 фоизга бажаришга эришдилар [7:196]. Вилоят саноатчиларининг ишлаб чиқариш жараёни тез кунларда уруш даври талабларига мослаштирилиб, барча имкониятлар қўрилиб ишлаб чиқариш жадаллашди.

1941 йилда асосий саноат ишлаб чиқариш жамғармалари 10,9 миллион сўмга етган бўлса, 1943 йилда эса бу рақам атиги 0,2 миллион сўмни ташкил этар эди, холос [7:196]. Вилоят саноатчилари 1942 йилда ҳам жуда катта куч-ғайрат билан ишладилар, вилоят миқёсида "стахановчилик" ҳаракати ниҳоятда авж олди. Саноатчилар фашизм билан бўлаётган жангларда жон олиб, жон бераётган жангчиларнинг жасоратларини қалбан ҳис этиб, уларга кўплаб саноат маҳсулотлари етказиб бериш ишини авж олдириб юбордилар. Душман ҳужуми натижасида уруш ҳаракатлари бораётган ҳамда урушга яқин жойлардаги саноат корхоналари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эди. Душман билан бўлаётган урушда ғалаба қозониш учун ниҳоятда кўплаб саноат моллари: кийим-кечак, ўқ-дори, турли хил асбоб - ускуналар зарур эди. Ўша оғир синовли йилларда "Прогресс", "Родина", "Золотопраммат" каби тикувчилик корхоналари кўплаб кийим-кечаклар тикиб, ойлик ва йиллик режаларини 150-160 фоиз қилиб бажарди.

Бўлаётган аёвсиз урушда жангчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларнинг соғлиқлари ҳақида қайғуриш ҳам фронт ортидаги аҳолининг бош вазифаларидан бири эди. Шу сабабдан Термиз ёғ заводи жамоаси Сурхондарё вилояти аҳлига мурожаат қилди ва шундай деди, "Қадрли ўртоқлар!!! Ватанимизни ҳимоя қилиб, фашист газандаларини қираётган ҳимоячиларимизнинг соғлигини сақлаш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни берайлик. Термиз ва Деновдаги ёғ заводларига мой, сут ва бринза топширишингиз, сизнинг ўз эхтиёжингиздан орттириб берадиган маҳсулотларингиз жангчиларнинг соғлигини мустаҳкамласин. Уларнинг ғалаба қозониш соатларини янада яқинлаштирсин", дейилган эди [6:22].

Бу чақириқдан руҳланган вилоят саноат корхоналари ишчилари "Фронт учун янада кўпроқ сут ва ёғ берамиз" шиори остида сут ва чорва маҳсулотларини Денов ва Термиздаги ёғ заводларига топшира бошладилар. Фронтга озиқ-овқат ҳамда бошқа маҳсулотларни етказиб беришда Термиз гўшт комбинати ишчи-хизматчилари ҳам алоҳида намуна кўрсатдилар, фронтга кўплаб гўшт ва сут маҳсулотлари жўнатдилар. Ушбу тадбирни амалга оширишда сўйиш цехининг ишчилари Авазов, Абдиенколар кунлик режани 2-2,5 баробар бажарсалар, колбаса ишлаб чиқариш цехининг стахановчи ишчиси Прикина эса йиллик режани 2,5-3 бароварига бажариб, алоҳида ватанпарварлик намунасини кўрсатди, натижада комбинат ишчилари 1943 йил январь ойига белгиланган режасини муддатидан 4 кун олдин 122 фоиз қилиб бажаришга муваффақ бўлдилар [6:24].

Фронт ортини мустаҳкамлашда ва ғалабага эришишда вилоят нефтчилари ҳам алоҳида жасорат кўрсатдилар. Уруш бўлаётган кўпгина ҳудудларни фашизм исканжасидан халос қилишда ҳарбий техникаларга нефть маҳсулотлари жуда зарур эди. Буни тўғри англаган Сурхондарё вилояти аҳли нефть саноати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Янги-янги нефть конлари ишга туширилиб, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг миқдори анча ошди. Кўплаб нефть қазувчиларнинг урушга жўнатилиши муносабати билан "Ворошилов" нефть трестида ҳам мутахассисларга эхтиёж анча катта эди. Шу сабабли кўплаб аёллар нефть конларига бориб ишлай бошладилар. Мисол учун, жумладан нефтчи аёллардан А.Бородина, А.Дубова, Ф.Сафаева ишчиларни меҳнатини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Сурхон воҳасидаги биргина "Ворошилов" нефть тресті ишчи-хизматчиларининг меҳнати эвазига 20 минг тоннадан кўпроқ нефть қазиб олинишига эришилди [7:197]. Ёки 1940-1943 йилларида "Ворошилов" нефть тресті ишчилари режада белгиланган 99.9 минг тонна ўрнига 105 минг тонна нефть ишлаб чиқардилар [2]. Умуман,1943 йилда нефть қазиб чиқариш 1941 йилдагига нисбатан 5,7 фоизга ўсди [5:19-20], албатта, бундай юксак кўрсаткичларга "Ховдак" нефть кони ишчиси Ружин, "Какайди" нефть кони механиги Плавкин ва Учқизил нефть кони ишчиси А.Дубоваларнинг мардонавор меҳнатлари эвазига эришилди. Жумладан, биргина "Ховдак" нефть кони ишчилари 1944 йилнинг иккинчи ярмидан 118926 тонна нефть қазиб чиқариш режалаштирилган бўлса, унинг ўрнига 126199 тонна нефть қазиб олинди [8]. Умуман олганда, трест ишчи ва хизматчилари Буюк ғалабани таъминлашда мардонавор меҳнат қилиш, кўпроқ нефть қазиб чиқариш, фронтга моддий ва маънавий мадад бериш иши билан ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш йилларида кўмир саноатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки урушгача бўлган вақт мобайнида Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш йўлга қўйилиб улгурмаган эди. 1940 йилда Ангрен кўмир кони очилди ва шундан сўнг Сурхондарё вилоятининг Шарғун ва Бойсун ҳудудларида геологик-қидирув ишлари амалга оширилди, 1943 йилнинг охирларида Шарғун кўмир кони ишга туширилди. Бу эса республикада кўмир қазиб чиқаришнинг бирмунча ортишига олиб келди, масалан, Республикада 1940 йилда 3,4 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йилга келиб, бу кўрсаткич 103 минг тоннани ташкил этди [9:19].

Сурхондарё вилояти ҳам республиканинг бошқа вилоятлари қатори пахта етиштиришга ихтисослашган эди. Шу муносабат билан уша жанговар йиллардаёқ пахта тозалаш корхоналарини кенгайтириш ва янги пахта заводлари барпо қилиш ишлари вилоят миқёсида кенг кўламда авж олдириб юборилди. Жумладан, 1944 йилда Термиз пахта тозалаш заводида янги 2 валикли ускуна ишга туширилди, Денов пахта тозалаш заводидаги дизель станциясининг қуввати 1500 от кучига етказилди. Шу йили Жарқўрғон пахта тозалаш заводи қурилиши ҳам бошланди [5:21], 1943 йилнинг январь ойида Термиз ва Денов пахта тозалаш заводлари ўртасида уюштирилган мусобақада Термиз пахта тозалаш заводи жамоаси чигитли пахтани тозалаш режасини 115,9 фоизга, пахта толаси тайёрлаш режасини 110 фоизга, линтер ишлаб чиқариш режасини 112,4 фоизга, сифатли маҳсулот режасини эса 99,8 фоизга бажариб, натижада мусобақада ғолиб бўлди [3]. Умуман, ютуқларга эришишда қатор қийинчиликларга дуч келинсада, қийинчиликлар ишчиларнинг сабр-бардоши ва матонатли меҳнатлари натижасида бартараф қилинди.

Уруш давридаги вазиятни тўғри тушунган вилоят саноатчилари саноат корхоналарининг сонини ҳамда ишлаб чиқариладиган саноат молларининг турларини йилдан-йилга орттириб боришга эришдилар. Агар 1942 йилда вилоятда 10 та турли хил саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқарадиган бўлса, 1943 йилда бунга қўшимча равишда 4 хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган бўлди.

Уруш йилларида Сурхон воҳаси аҳолисининг хизмат кўрсатадиган майда корхоналарининг сони анчагина ортиб борди. Масалан, Шеробод туманида 1941 йилда 34 та тегирмон, 15 та мойжувоз ишлаб турган бўлса, 1945 йилга келиб тумандаги тегирмонлар сони 40 тага, мойжувозлар сони эса 28 тага етди [11:14]. Вилоят саноат ишчиларининг мардонавор меҳнатлари эвазига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши йилига 20 фоиздан ошиб кетди.

Умуман олганда, вилоят саноатчилари ҳам ўша суронли йилларда фидокорона меҳнат қилиб, халқ хўжалигини ривожлантириб ва фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Саноатчилардан 7560 нафари собиқ СССРнинг "Шавкатли меҳнати учун" медали билан мукофотландилар [10:6].

Хулоса шуки, халқ-хўжалигининг фронт манфаатларига сафарбар этилиши, воҳа аҳлининг меҳнатсеварлиги, фронт ортини мустаҳкамлашдаги меҳнат жасоратлари ҳамда оташин чақириқлари ғалбанинг таъминланишига катта ҳисса қўша олди. Халқимизнинг шижоатли меҳнати, душманга бўлган чексиз нафрати каби жиҳатлар уруш йилларида халқ хўжалигида қўлга киритган ютуқлар ва фашизм устидан қозонилган ғалабанинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёевнинг 9 май муносабати билан сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2018 йил 9 май.
2. Илғор Сурхон учун. / 1943 йил 1 январь.
3. Илғор Сурхон учун. / 1943 йил 10 февраль.
4. Илғор Сурхон учун. / 1944 йил 8 март.
5. Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. –Термиз: "Сурхон", 1993.
6. Турсунов С. ва бошқалар. Хотира-барҳаёт, қадр-мангу. –Тошкент: "Фан", 2010.
7. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида.–Тошкент: "Шарқ", 1991.
8. Ленинская знамя. / 1944 йил 11 февраль.
9. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. // 1985 йил 5-сон, 19-бет.
10. Сурхондарё вилоят давлат ҳужжат архиви. 45-фонд, 1-ёзув, 48-иш, 6-бет.
11. Шеробод тумани Давлат ҳужжат архиви. 46-фонд, 1-ёзув, 26-иш, 14-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Сурхондарё вилояти саноатининг иккинчи жаҳон уруши манфаатларига мослаштирилиши, халқ хўжалигининг фронтга сафарбар этилиши ва ишчи-ходимларнинг фаолияти архив манбалари асосида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об адаптацие промышленности Сурхандарьинской области к интересам Второй мировой войны, мобилизации народного хозяйства в интересах фронта и архивных источниках о деятельности рабочих и служащих.

SUMMARY

The article deals with the issues of adaptation of the industry of the Surkhandarya region to the interests of World War II, the mobilization of the national economy in the interests of the front and archival sources about the activities of workers and employees.

ИСЛАМ ДИНИНИҢ ЖӘМИЙЕТИМИЗ ТУРМЫСЫНДАҒЫ ӘҲМИЙЕТИ

Т.Упаев – *магистрант*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: дин, маънавий олам, қадрият, ислом дини, меҳр оқибат, маърифат, фалсафа, жамият, омиллар.

Ключевые слова: религия, духовный мир, ценности, религия ислам, милосердие, просвещение, философия, общество, факторы.

Key words: religion, spiritual world, values, religion Islam, mercy, enlightenment, philosophy, society, factors.

Дин әзелден инсан руўхый дүньясының ажыралмас бөлеги сыпатында адамзаттың жоқары идеяллары, ҳақ ҳәм ҳақыйқат, инсан ҳәм әдалат ҳаққындағы арзыўәрманларын өзинде жәмлеген, оларды турақлы қағыйдалар түринде беккемлеп киятырған идея ҳәм көзқараслардың тутас бир системасы екенлиги бәршемизге жақсы мәлим. Көп әсирлер даўамында халқымыз қәлбинен терең орын алып, өмирдиң мазмунын аңлаў, миллий мәдениятымыз ҳәм турмыс қәлпимизди, қәдириятларымыз, үрп-әдет ҳәм дәстүрлеримизди сөнбейтуғын етип сақлаўда муқаддес динимиз болып есапланады. Ислам udининде инсанйылық, меҳир-ақыбет, ҳадаллық, жақсылық, мийрим-шәпәәт сыяқлы халқымызға тән болған пазыйлетлер, мине, усы негизде тамыр жаяды ҳәм раўажланады [1:36].

Исламға шекемги барлық динлер бир қәўимге бир миллетке яки белгили бир территорияға тийисли болса, Ислам Аллаҳ таала тәрепинен жер жүзиндеги барлық адамзатқа жиберилген ақырғы дин болып табылады. Бүгинги күнде 172 мәмлекеттиң 1,3 миллиард халқы ислам динине исенеди.

Тийкарғы нызамымыз болған конституциямызда ҳүждан еркинлиги кепиллестирилген болып, демек, динимизде де инсанды мәжбүрлеў жоқ, тек оған шақырылады.

Бүгинги күнде 1300 жыл даўамында ата-бабаларымыз исенип келген ислам динине мүнәсибет те түптен өзгере баслады, десек асыра айтқан болмаймыз. Себеби, бурынғы аўқам дәўиринде пүткил республикамыз бойлап 80ге жақын мешит хызмет көрсеткен болса, ҳәзирге дәўирге келип, мыңлап жаңа мешитлер ҳәм медреселер иске түсти. Бурын бир ғана Бухарада киши бир медресе жүдә тар көлемде диний билим берип келген болса, бүгинги күнде дерлик барлық ўәлаятларда медреселер ашылды. Мәселен: Имам Бухарий мақбара комплексиниң қурылыўы, Баҳаўаддин Нақшбандий мешит мақбарасының жаңадан исленип абат етилиўи, Имам Матурудий, Бурҳониддин Марғиноний сыяқлы уллы тулғаларды үйрениў ислериниң жолға қойылыўы да булардың барлығы ҳүкиметимиз тәрепинен динимизге қаратылған итибар ҳәм бул динди ағартыўшылық, руўхый қәдирият дәрежесине көтерип, дүньяға танытқан уллы бабаларымызға болған жоқары ҳүрметтиң айқын көриниси.

Ҳеш бир философия, идея яки идеялогия адамлардың кеўлиндеги қудайдың орнына оған тең келетуғын ҳақыйқатты бере алмайды. Ҳәтте, ең әдил нызамларда да инсан кеўлиндеги қудайға болған талапты қанаатландыра алмайды. Дин – бул исеним. Демек, исенимсиз руўхыят хаққында сөйлеў қыйын. Исеним – бул өз пикир ҳәм көзқарасларына ийе болған ҳәм оны орынлаўды әдетке айландырған, ықлас қылатуғын инсанлар пазыйлети. Ийман болса – ол да исеним. Диний көзқарастан барлық пикирлерге исеним, тил менен ықырар етилип, жүректен орынланыўына ийман делинеди.

Инсанның руўхый кәмиликке жеткериўши шәртли факторы – бул диний ҳәм дүньялық исенимлериниң жыйнағы есапланады. Егер биз жоқары диний ҳәм дүньялық исенимлерге ийе болған жәмийет қурсақ, сонда ол жәмийет ҳәр тәреплеме жетик жәмийет болады.

Дүньялық илим бойынша дин жәмийетлик – тарийхый қубылыс, ол адамзаттың раўажланыўының бел-